

**АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ
МУКОФОТЛАРИ**

**АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ
МУКОФОТЛАРИ**

**Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллиги
муносабати билан**

Методик-библиографик қўлланма

Алишер Навойи номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашриёти

Тошкент – 2007

Илмий-методика бўлими томонидан тайёрланди

Тузувчи
Муҳаррир
Масъул муҳаррир
Матн терувчи

М.Матмурадова
Ҳ.Маматраимова
О.Қиличбоев
З.Жалилова

Ушбу методик-библиографик қўлланма “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мукофотлари”га бағишланган. Қўлланмада Давлат мукофотларини таъсис этиш тўғрисида Қонунлар, Низомлар, Фармонлар, унвонлар, орденлар, медаллар, фахрий унвонлар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти Низоми, Ватанимизнинг юксак мукофоти совриндорлари ҳақидаги маълумотлар берилган.

Қўлланмада “Давлат мукофотлари”га бағишлаб ўтказиладиган тadbирлар туркуми ва уларни ўтказиш бўйича методик-маслаҳатлар берилган.

МУҚАДДИМА

Адолатли ҳуқуқий демократик давлат сари борар эканмиз, бу олижаноб мақсад йўлида фидокорона хизмат қилаётган фуқароларни авайлаб-асраш, уларнинг меҳнатини муносиб баҳолаш, ҳамда моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш давлатимиз сиёсатининг бош мақсади ва унинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Дарҳақиқат, Президентимиз Ислоҳ Каримов бошчилигидаги ҳукуматимиз раҳбарияти томонидан инсон манфаатлари йўлида амалга оширилаётган ишлар, мақсад ва вазифаларнинг моҳияти ва мазмуни ҳам худди шунини тақозо этади. Ўзбекистон Республикасида давлат мукофотининг асосчиси, ташаббускори ва муаллифи сифатида Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг хизматлари буюқдир.

Мустақилликка эришганимиздан кейин Республикаимизнинг ижтимоий ҳаётида юз бераётган туб ўзгаришлар фуқароларни мукофотлаш борасида ўзига хос янги босқични бошлаб берди.

Қисқа муддат ичида мустақил Республикаимизда Давлат мукофотларининг янги турлари жорий этилиб, уларнинг ҳуқуқий асослари тобора мустаҳкамланиб бораётганлиги ғоятда кувонарлидир.

Ватанимизнинг юксак мукофотлари ҳар йили мустақиллик байрами арафасида Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг Фармонларига мувофиқ, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ва ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш, илм-фан, маданият ва маънавиятни юксалтиришда, юртимиз фаровонлиги, тинчлиги ва осойишталигини янада мустаҳкамлашдаги хизматлари учун бир гуруҳ юртдошларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан қарийб 16 йилдан бери тақдирланиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунини муносабати билан ўтказиладиган тантанали маросимда ана шу юксак мукофотлар топширилиб келинмоқда.

Бу йил истиқлолнинг 16 йиллиги арафасида Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг Фармонларига асосан бир гуруҳ

юртдошларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар.

Бу борада кутубхоналарда, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида мустақиллик байрами, Давлат мукофотларининг совриндорлари ҳаёти ва фаолиятига бағишланган адабий-бадий тадбирлар, Давлат мукофотлари тўғрисидаги илмий-амалий конференциялар, давра суҳбатлари, Давлат мукофоти совриндорлари билан учрашувлар ташкил этиш кўзда тутилган.

Кутубхоналар, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларининг вазифаси китобхонлар диққатини Ўзбекистон Республикасининг Давлат мукофотлари тўғрисидаги Қонунларга, Фармонларга, Низомларга ҳамда юксак мукофот соҳибларининг ижодини кенг тарғиб қилишдан иборат.

Кутубхоналар, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида адабиётлар тарғиботининг китоб тақдими, илмий-амалий конференция, китобхонлар конференцияси, савол-жавоб кечалари, давра суҳбати, билимдонлар беллашуви, адабий-бадий сахналаштирилган мусиқали кечалар, шеърхонлик кечалари, учрашув кечаси, хотира кечаси ва соати, китоб кўргазмалари, кўргазмадаги адабиётлар обзори сингари турли туман шакл ва усуллардан фойдаланиш мумкин.

Кутубхоналар, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари Республика Маънавият тарғибот марказининг жойлардаги бўлимлари, “Маҳалла”, “Соғлом авлод учун”, “Истеъдод”, “Нуроний” жамғармалари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ёзувчилар уюшмаси вакиллари, ёзувчилар, шоирлар, адабиётшунослар, санъаткорлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мусаввирлар, журналистлар, шифокорлар, жамоат ташкилотлари, хотин-қизлар кўмиталари билан ҳамкорликда оммавий тадбирлар ўтказилишларини маслаҳат берамиз.

Ушбу методик-библиографик қўлланмада Давлат мукофотларига бағишланган тадбирларни ўтказишда мутахассисларга ёрдам бериш мақсадида китобхонлар билан ишлашнинг айрим шакллари кўриб чиқилган.

Мустақил юртнинг юксак мукофотлари

Менинг қалбимдаги эзгу тилагим,
истагим шуки, ўз меҳнатидан кадр
топган, эл-юртимиз ҳаётини обод
қилишга интилиб яшайдиган
инсонлар ҳеч қачон кам бўлмасин.

И.А.Каримов

Истиқлол йилларида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан миллий давлат мукофотлари жорий этилиб, уларнинг ҳуқуқий асослари яратилиши улкан тарихий воқеа бўлди.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг республикамизнинг ижтимоий ҳаётида юз бераётган туб ўзгаришлар фуқароларни мукофотлаш борасида ўзига хос янги босқични бошлаб берди.

Қисқа муддат ичида мустақил республикамизда давлат мукофотларининг янги турлари жорий этилиб, уларнинг ҳуқуқий асослари тобора мустаҳкамланиб бораётганлиги ғоятда қувонарлидир.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари билан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари меҳнат ва жанговар хизматлари, самарали давлат, ижтимоий ва ижодий фаолиятлари учун тақдирланишлари мумкин. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси учун хизмат кўрсатган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам, айрим ҳолларда корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, ижодий жамоалар ва ҳарбий бўлинмалар, Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий бирликлари ҳам мукофотланиши мумкин. «Давлат мукофотлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (1995 й. 22 дек.)га кўра, орден ва медаллар Олий Мажлис томонидан таъсис этилади, орден ва медаллар билан Ўзбекистон Республикасининг Президенти тақдирлайди.

Орден, медаль билан мукофотлашга тақдим этиш, мукофотлаш ва топшириш қонунда назарда тутилган тартибда

амалга оширилади. Ордено, медаллар билан тақдирлаш тўғрисидаги фармонлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Бир шахс айна бир орден, медаль билан, қоида тариқасида бир марта тақдирланади. Ордено, медаллар билан тақдирлаш шахснинг вафотидан кейин ҳам амалга оширилиши мумкин. Фуқаролар навбатдаги мукофотга аввал мукофот билан тақдирланган вақтидан кейин камида 3 йил ўтгач тақдим этиладилар. Фавқулудда ҳолларда аввал тақдирланган вақтидан қатъи назар тақдим этилиши мумкин.

Ҳар бир орден ва медаль Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган ўз Низом ва тавсифига эга. Ордено ва медаллар, орден ва медалларга оид тегишли ҳужжат тантанали вазиятда топширилади. Ордено ва медаль билан мукофотланган шахслар бир йўла тўланадиган пул мукофоти оладилар ва қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган имтиёзлардан фойдаланадилар. Ордено, медаль билан вафотидан кейин мукофотланган тақдирда, орден, медаль, мукофотлаш тўғрисидаги ҳужжат ва бир тўла тўланадиган пул мукофоти мукофотланганнинг оиласига топширилади.

Ўзбекистон Республикаси орден ва медаль, одатда, умумдават байрамлари ҳамда бошқа байрамлар ва тантанали мажлислар вақтида тақиб юрилади. Бошқа ҳолларда эса нишондорлар Ўзбекистон Республикасининг ё орден, медалларини, ёхуд уларнинг планкалардаги ленталарни тақиб юришлари мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг орденлари:

Давлат мукофотлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонунининг 11-моддасига биноан қуйидагилардан иборат:

«Мустақиллик» ордени – Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан 1994 йил 5 майда таъсис этилган. Бу орден билан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари мустақил давлат барпо этиш ва уни мустаҳкамлашга, республикада тинчлик ва тараққиётни таъминлашга қўшган улкан ҳиссалари учун

мукофотланадилар. Айрим ҳолларда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши мумкин.

Бу орден билан Ўзбекистон халқ ёзувчиси марҳум Абдулла Қодирий (Жулқунбой) (1994 й.), Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 й. 29 авг. Қарори билан), марҳум шоир Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон (1999 й. 24 авг.) мукофотланган.

«Амир Темур» ордени - Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан 1996 йил 26 апрелда таъсис этилган. Бу орден билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлатчиликни мустаҳкамлашдаги улкан хизматлари, меъморчиликни, илм-фан, адабиёт ва санъатни, шу жумладан ҳарбий маҳоратни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссалари учун мукофотланадилар. «Амир Темур» ордени билан давлатлараро ҳамкорликни, тинчликни ҳамда халқлар ўртасида дўстликни, мустаҳкамлаш ишига алоҳида ҳисса қўшганлик учун ҳам тақдирланадилар. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши мумкин.

Бу орден билан Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарлари (1996 й. 28 авг.), Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 й. 26 дек. қарори билан), Андижон вилояти (2003 й. 22 авг.), шахмат бўйича жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритган Рустам Қосимжонов (2004 й. 14 июнь) мукофотланган. Мукофотни Рустам Қосимжоновга айнан Президентимиз Ислом Каримов топширади ва шундай деб ишонч билдирганлар:

Рустам Қосимжонов бугун катта умид ва орзу билан ҳаётга кириб келаётган баркамол ва етук, манаман деган давлатларнинг вакиллари билан беллашувга тайёр ёш ва навқирон авлодимиз учун ҳақиқий, муносиб намуна бўлиб, мен ишонаман, жаҳон шахмат оламида ўчмас из қолдиради деганлар.

«Жалолиддин Мангуберди» ордени – Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан 2000 йил 30 августда таъсис этилган. Бу орден билан мамлакат мустақиллигини, Ватан

сарҳадларини, она юрт тупроғини ҳимоя қилишда ҳамда уни кўз қорачиғидай асрашда юксак ҳарбий маҳорат, қаҳрамонлик ва жасорат намуналарини кўрсатган, давлатимизнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшган қўмондонлик таркибига кирувчи ҳарбий хизматчилар мукофотландилар. Ўзбекистон Республикасининг олий ҳарбий мукофоти ҳисобланади.

Бу орден билан Хоразм вилояти (2003 й. 22 авг.), Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг 1-ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари бирлашган штабининг бошлиғи Исмоил Эргашев, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг ўринбосари, Жанубий-Ғарбий махсус ҳарбий округ қўшинлари қўмондони Алишер Жумамуротович Собиров, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими Муридjon Вахобович Тоҳирий мукофотланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавсизлик хизматининг Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси “Жануб” чегара қўшинлари минтақавий штабининг Термиз чегара райони 2006 йил 12 январда мукофотланган.

«Буюк хизматлари учун» ордени – Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан 1996 йил 29 августда таъсис этилган. Бу орден билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда хорижий давлатларнинг фуқаролари фан ва техникани, иқтисодиёт ва маданиятни ривожлантиришдаги катта хизматлари, давлатлараро ҳамкорликни ривожлантиришга ҳамда Ўзбекистоннинг халқаро обрўсини оширишга қаратилган ички ва ташқи сиёсатни амалга ошириш ишига сезиларли ҳисса қўшганлиги учун тақдирланадилар. Бу орден билан 2004 йилда марҳум шоир Ҳамид Олимжон, Ўзбекистон халқ артисти марҳум Х.Болтаев, Ўзбекистон халқ артистлари Н.Раҳимов, О.Шомуротова, Сора Эшонтўраевалар ва Ўзбекистон халқ шоири Александр Файнберг, 2007 йил 17 апрелда профессионал бокс бўйича ўта оғир вазн тоифасида жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритиб, мардлик ва жасорат намунасини намоён этгани, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини ошириш, унинг шуҳратини бутун дунёга тараннум

этиш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, ўзбек бокс мактаби анъаналарини янада юксалтиришга қўшган улкан ҳиссаси учун Руслан Шамилович Чагаев ва бошқалар мукофотланганлар.

«Эл-юрт ҳурмати» ордени – Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан 1998 йил 28 августда таъсис этилган. Бу орден билан мамлакат мустақиллигини, унинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга, миллий маънавиятни, маданиятни юксалтиришга катта ҳисса қўшган, ўз меҳнати, илмий, жамоат иши, меҳнатсеварлиги ва ватанпарварлиги билан жамоатчиликнинг иззат-ҳурматиغا сазовор бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари мукофотланади. Бу орден билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланишлари мумкин.

Бу орден билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан 2004 йил 27 августда 14 киши ва 28 сентябрда 14 киши, 2005 йил 22 августда 12 киши, 2005 йил 28 сентябрда 2 киши мукофотланган.

I ва II даражали «Соғлом авлод учун» ордени – Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан 1993 йил 7 майда таъсис этилган. Бу орден билан кишилар оналик ва болаликни муҳофаза қилишдаги, соғлом авлодни камол топтириш учун энг яхши моддий шароит ва ахлоқий муҳитни таъминлашдаги алоҳида хизматлари учун мукофотландилар. Шунингдек, бу орден билан Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаган кишилар ҳам мукофотланишлари мумкин.

I даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан кишилар оналик ва болаликни муҳофаза қилишда, инсон экологиясини яхшилашда, жисмонан ва ахлоқан соғлом авлодни, ватанпарварлик ҳамда ўз Ватани – мустақил Ўзбекистонга ҳар томонлама содиқлик ва ундан фахрланиш олий туйғуларини тарбиялашда, оналик ва болаликни таъминлаш учун муносиб моддий ва маънавий замин яратишда Ўзбекистон давлати ва халқи олдидаги жуда катта хизматлари учун мукофотландилар.

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан соғлом авлодларни камол топтириш ишига катта ҳисса қўшган, оналик

ва болалик тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилувчи кишилар, ногирон ва етим болаларнинг васийлари, болалар ва оналикка нисбатан мунтазам олий хайр-эҳсон кўрсатувчи жамоат ташкилотлари, хўжалик тузилмаларининг вакиллари мукофотланадилар. Жумладан, бу орден билан 2004 йил 23 августда I даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан 1 киши, II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан 11 та киши, 2005 йил 24 августда I даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан 1 киши, II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан 5 та киши мукофотланган.

«Меҳнат шухрати» ордени – Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан 1995 йил 30 августда таъсис этилган. Бу орден билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Ўзбекистон иқтисодиёт ва маданият юксалишига, халқ фаровонлиги ошишига, тинчлик ва барқарорлик сақланишига хизмат қиладиган улкан ишлари учун мукофотланадилар. Шунингдек, бу орден билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан 2004 й. 14 апрелда 7 киши, 2004 й. 10 январда 7 киши, 2004 й. 23 августда 19 киши, 2004 й. 27 августда 34 киши, 2004 й. 24 августда 3 киши, 2004 й. 28 сентябрда 14 киши, 2004 й. 9 ноябрда 3 киши шу орден билан мукофотланган.

«Дўстлик» ордени – Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан 1994 йил 5 майда таъсис этилган. Бу орден билан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатларнинг вакиллари ўртасида дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш ишида эришган катта ютуқлари, Ўзбекистон халқининг бошқа мамлакатлар халқлари билан дўстлик ва ҳар тарафлама ҳамкорликни ривожлантирганликлари учун мукофотланадилар. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан 2005 йил 22 августда 52 киши, 2005 йил 24 августда 15 киши, 2005 йил 5 сентябрда 4 киши, 2005 йил 28 сентябрда 13 киши, 2007 йил 28

мартда Ўзбекистон Республикасида футбол дастурларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга кўшган улкан ҳиссаси, ёш соғлом авлодни шакллантиришдаги иштироки ҳамда халқлар ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашдаги самарали фаолияти учун Халқаро Футбол Федерацияси (ФИФА) Йозеф Блаттер бу орден билан мукофотланган.

Шунингдек, Ўзбекистон фуқароси бўлмаган шахслардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан 2000 йилда Ўзбекистон Республикасида Фавкулудда ва мухтор элчилари «Дўстлик» ордени билан мукофотланганлар. Жумладан, Райнхор Биндзайл, Че Ёнг Хани, Жан-Клод Ришар, Накаяма Кёко, Брунетти Гёти Иоланди, Жозеф Пресел, Ли Цзян Сян, Ингэм Кристофер, Шавқий Мамдух, Гал Гедлер Нолх, Апайдин Умурлар ҳам бу орден билан мукофотланган.

I ва II даражали “Шон-шараф” ордени - Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан 1995 йил 30 августда таъсис этилган. Бу орден билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Ватанини ҳимоя қилишда фидойилик ва мардлик учун, Ўзбекистонда Мудофаа қудратини ва миллий хавфсизликни мустаҳкамлаш, қуролли кучларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш ва ҳуқуқ-тарғиботни таъминлаш ишидаги катта хизматлари учун мукофотландилар. Шунингдек, “Шон-шараф” ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан 2006 йил 12 январда II даражали “Шон-шараф” ордени билан 5 киши мукофотланган. 2006 йил 29 августда эса I даражали “Шон-шараф” ордени билан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири ўринбосари Проценко Сергей Николаевич, **II даражали “Шон-шараф” ордени билан 13 киши??**, 2007 йил 12 январда И.А.Қурбонов, О.О.Саидов, И.Р.Сайфутдиновлар мукофотланган.

«Фидокорона хизматлари учун» ордени – Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан 2003 йил 29 августда таъсис этилган. Бу орден билан мамлакатнинг иқтисодий ва маданий юксалишига, мудофаа қудратини кучайтириш ва миллий

хавфсизлигини таъминлашга, жамиятда тинчлик ва барқарорликни, миллатлараро ҳамжихатликни мустаҳкамлашга, халқ фаровонлигини оширишга катта ҳисса қўшган, ўзининг истеъдоди, билим ва тажрибасини Ватан равнақига бахш этиб, фидойилик намунасини кўрсатиб келаётган фуқаролар ва ҳарбий хизматчилар мукофотланади. Шунингдек, бу орден билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан 2006 йил 25 августда 5 киши, 2006 йил 28 августда 19 киши, 2006 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раиси Р.Р.Иноятов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Ҳ.Қодиров, 2006 йил 28 сентябрда Ш.И.Зайнуддинов, Х.Каримбоевлар бу орден билан мукофотланганлар.

Ўзбекистон Республикасининг медаллари:

“Олтин юлдуз” медали – Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан 1994 йил 5 майда таъсис этилган. «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони билан тақдирланган шахсга «Олтин Юлдуз» медали ва унвон берилганлиги тўғрисидаги тегишли ҳужжат топширилади. «Олтин Юлдуз» медалини тантанали ва кенг ошкоралик вазиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки унинг номидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири топширади. «Олтин Юлдуз» медали кўкракнинг чап томонига орден ва медаллардан юқорирокқа тақилади. «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони вафотидан кейин берилган тақдирда «Олтин Юлдуз» медали ва унвон берилганлиги тўғрисидаги ҳужжат мукофотланганнинг оиласига топширилади. Бу медал билан 2004 йилда моҳир темир йўлчи-машинист Тўлқин Иброҳимов, жонқуяр муаллима Анор Маҳмудова, миришкор деҳқон Абдураим Ҳамидов, элимизнинг ардоқли шоири Иброҳим Юсупов, 2006 йилда машҳур тиббиёт олимаси, академик Малика Абдуллахўжаева, Ўзбекистон халқ устаси, ноёб истеъдод соҳиби Абдуғани Абдуллаев, моҳир педагог Соме Саматов, темир йўл қурувчиси Баҳодир Илёсов ва хоразмлик заҳматкаш деҳқон, фермер Гулмат Ҳайитметовлар мукофотланган.

«Жасорат» медали – Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан 1994 йил 5 майда таъсис этилган. Бу медал билан Ўзбекистон Республикаси ҳарбий хизматчилари, Миллий хавфсизлик хизматининг ва ички ишлар органларининг ходимлари республиканинг миллий хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашда ҳарбий бурчин ёки хизмат бурчини адо этиш вақтида кўрсатган мардлиги ва жасоратлари учун мукофотландилар. Шунингдек, бу медал билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ёки Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар табиий офат, ёнғин ва бошқа фавқулодда ҳолатлар вақтида жамоат тартибини сақлашда одамлар ҳаётини, давлат ва жамоат мулкни сақлаб қолишда кўрсатган жасоратлари учун мукофотланишлари мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 2006 йи 12 январда 42 киши, 2006 йил 29 августда 67 киши бу медал билан билан мукофотланган.

«Шухрат» медали – Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан 1994 йил 5 майда таъсис этилган. Бу медал билан республика иқтисодиёти, фани ва маданиятини ривожлантириш, ёш авлодни ватанпарварлик ҳамда миллий истиқлол ва ижтимоий тараққиёт ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишида ўзининг ҳалол меҳнати билан катта ютуқларга эришган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар мукофотландилар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан 2006 йил 12 январда 33 киши, 2006 йил 25 майда 20 киши, 2006 йил 25 августда 52 киши, 2006 йил 28 августда 163 киши, 2006 йил 29 августда 25 киши, 2006 йил 28 сентябрда 71 киши, 2007 йил 12 январда 22 киши, 2007 йил 19 январда 4 киши, 2007 йил 29 январда 7 киши, 2007 йил 28 мартда Ўзбекистон Республикасида футбол дастурларини ривожлантиришни ва қўллаб-қувватлашга кўшган улкан ҳиссаси, ёш соғлом авлодни шакллантиришдаги иштироки ҳамда халқлар ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашдаги самарали фаолияти учун Осиё Футбол Конфедерацияси Президенти (АФК) Мухаммад Хаммам Ал-Абдулла Бу медал билан мукофотланган.

«Содик хизматлари учун» медали – Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан 2007 йил 6 июлда таъсис этилган. Бу медал билан юксак касбий маҳоратини, ҳарбий ва ватанпарварлик бурчига садоқатини намоён этган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари мамлакатнинг муҳофаза қилиниши ҳамда миллий ҳавфсизликни мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг жанговар шайлигини ошириш ва Ўзбекистонда ҳуқуқ-тартиботини таъминлаш ишидаги катта хизматлари учун мукофотланадилар.

«Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан 1997 йил 22 июлда таъсис этилган. Бу кўкрак нишони билан миллий маънавиятимиз, маданий меросимиз ва умуминсоний қадриятлар заминида юксак ватанпарварлик туйғусини ва меҳнатсеварлик фазилатларини ўзида мужассамлаштирган, Ватанимиз обрўсини, шон-шухрати ва шарафини юксалтириш йўлида хизмат қилаётган, Ўзбекистонда келажак буюк давлат барпо этишда ҳамда мамлакатимиз ички ва ташқи ҳаётида фаол иштирок этаётган фуқароларга берилади. Шунингдек, бу кўкрак нишони, Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахсларга ушбу Низомнинг биринчи бандида кўрсатган хизматлари учун берилиши мумкин.

«Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги» эсдалик нишони – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан 2001 йил 18 июлда таъсис этилди. Бу эсдалик нишони билан мамлакатимизнинг халқаро обрўси ва нуфузини ошириш ижтимоий-иқтисодий ва маънавий салоҳиятини, муҳофаза қудратини юксалтириш, сарҳадларимизнинг тинчлиги ва ҳавфсизлигини таъминлаш, миллатлараро дўстлик ва тотувликни қарор топтириш, жамоат тартибини ва ҳуқуқ-тартиботини мустаҳкамлаш, ислохотларни амалга ошириш, ёш авлодни миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш борасида фидокорлик намуналари кўрсатаётган зиёлилар, фан ва маданият намояндалари, ишчи ва хизматчилар, жамоа хўжаликлари аъзолари, тадбиркорлар, меҳнат фахрийлари,

ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ва бошқалар мукофотландилар.

«Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил» эсдалик нишони – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан 2006 йил 19 июнда таъсис этилди. Бу эсдалик нишони билан давлатимиз мустақиллиги, иқтисодий, сиёсий, илмий-таълим, маданий, маънавий салоҳияти ва муҳофаза қудратини мустаҳкамлаш, унинг сарҳадлари хавфсизлиги ва дахлсизлигини таъминлаш, мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизациялаш, Ватаннинг муносиб ёш авлодини тарбиялаш ишида фидокорлик намуналарини кўрсатаётган зиёлилар, фан ва санъат арбоблари, ишчи ва хизматчилар, тадбиркорлар, фермерлар, меҳнат фахрийлари, ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ва бошқа шахслар мукофотландилар.

Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонлари – Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонлари Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан 1996 йил 26 апрелда таъсис этилган. Ушбу қонунга айрим ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Ҳозирги кунда маълумотларга кўра 34 та фахрий унвонлар мавжуд. Бу фахрий унвонлар Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан таъсис этилган. **Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 1996 йи 26 апрелдаги таъсис этилганига 4 та фахрий унвонлар қўшилди?** Жумладан, 1996 йил 27 декабрда «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фуқаро авиацияси ходими», 1998 йил 1 майда «Ўзбекистон Республикаси халқ устаси», 1998 йил 25 августда «Ўзбекистон ифтихори», 2000 йил 14 майда «Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси» каби фахрий унвонлар таъсис этилди.

Ўзбекистон Республикасининг Фахрий унвонларини таъсис этиш тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрель Қонуни ва қўшимча қабул қилинган Қонунлар, Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонлари тўғрисидаги Низом методик-библиографик қўлланмага илова қилинди.

Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотлари – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан таъсис этилган.

Жумладан, Алишер Навоий номидаги Давлат мукофоти – Ўзбекистон Республикасининг бадиий ижод соҳасидаги, энг олий мукофоти, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан 1989 йил 13 сентябрда таъсис этилди. Бу мукофот Ўзбекистон Республикасининг маданий ҳаётида катта воқеа бўлган, миллий кадриятлар хазинасини бойитган адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги энг ёрқин ва сермазмун асарлар учун берилди.

Бу мукофот билан XX аср ўзбек миллий адабиётининг йирик намояндаларидан бири марҳум Абдулла Қодирий (Жулқунбой), адиб марҳум Абдулҳамид Чўлпон, марҳум Абдурауф Фитрат, Шермат Жўраев (Шерали) мусиқачи, Баҳодир Жалолов - rassom, Серго Михайлович Стягинга - бош архитектор, Саминжон Мўйдиновга - халқ устаси, Мурод Фозилов - архитектор, Манзар Салимга - Ҳиндистон фуқароси, ёзувчи ва шоирларга 1991 йил 25 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан берилди. Шунингдек, бу мукофот 1994 йил 3 декабрда Абдулла Ориповга «Муножот» сайланма шеърий китоби учун, Шукруллога «Кафансиз кўмилганлар» хотира романи учун, Барот Бойқобуловга «Навоийнома» чоркитоби учун берилган.

Камолиддин Беҳзод номидаги Давлат мукофоти – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан 1997 йил 23 январда таъсис этилган. Камолиддин Беҳзод номидаги Давлат мукофоти тасвирий ва амалий санъат, халқ ҳунармандчилиги соҳасида яратилган миллий истиқлол ғояларини ёрқин бадиий шаклларда акс эттирган, Ўзбекистоннинг буюк тарихини ва ҳозирги юксалиш жараёнларини ҳаққоний образлар орқали гавдалантирган ва кенг жамоатчилик томонидан тан олинган етук санъат асарлари учун берилди. Бу мукофот билан 1997 йил 27 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони бўйича Ўзбекистонда

биринчи марта Т.Болтабоев, Х.Назаров, Ғ.Камолов, А.Илҳомов, Б.Раҳмонбердиев, Р.Матчоновлар мукофотланганлар.

Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофоти – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан 1991 йил 6 февралда таъсис этилган. Бу мукофот билан адабиёт ва санъат соҳасида яратилган миллий истиқлол ғояларини ёрқин бадиий шаклларда акс эттирган Ўзбекистоннинг буюк тарихини ва ҳозирги юксалиш жараёнларини ҳаққоний образлар орқали гавдалантирган ва кенг жамоатчилик томонидан тан олинган етук санъат асарлари учун берилади. Бу мукофот билан 1994 йилда адабиёт соҳасида Тоғай Мурод (Тоғай Менгноров) “Отамдан қолган далалар” романи учун, ҳайкалтарошлик соҳасида Илҳом Жабборов ва Комил Жабборовга Тошкент шаҳрида ўрнатилган Амир Темур ҳайкали учун, тасвирий санъат соҳасида Лутфулла Абдуллаевга «Замондошларим» мавзусидаги рангтасвир асарлари ҳамда атоқли ўзбек адиблари китобларига ишланган расмлар туркуми учун, А.Мирзаевга Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романига бағишланган суратлар альбоми ва сўнгги йилларда яратган энг яхши рангтасвир асарлар учун 1997 йилда эса Мустафо Бафоев 1993-1996 йилларда яратган «Улуғбек буржи», «Нодира», «Мозийдан нур» телевизион балетлари мусиқаси ва истиқлолни тараннум этувчи кўшиқлар туркуми учун, Анор Назаров 1993-1996 йилларда яратган истиқлол руҳи билан йўғрилган кўшиқ ва мусиқалар туркуми учун мукофотланганлар.

Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотларини таъсис этиш тўғрисида 2006 йил 25 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўра юксак даражадаги илмий изланишларни амалга ошириш, ноёб ихтиро ва кашфиётлар, энг замонавий талабларга жавоб берадиган техника ва юқори технологияларни, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида улкан ижтимоий аҳамиятга эга бўлган етук бадиий асарлар яратишни рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

2007 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир марта бериладиган Ўзбекистон Республикасининг:

- Фан ва техника;
- Адабиёт;

- Санъат ва меъморчилик йўналишларида жами олтига –учта биринчи даражали ва учта иккинчи даражали Давлат мукофотлари таъсис этилган.

Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотларини таъсис этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонининг 4-бандида илгари Ўзбекистон Республикасининг Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий, Камолитдин Бехзод ва Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотлари билан тақдирланган лауреатларнинг мазкур мукофотлари ўз кучини сақлаши белгилаб қўйилган.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти –Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 1999 йил 10 июлда чиқди. Бу мукофот мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларида аъло хулқи, ўқишдаги муваффақиятлари ижтимоий фаоллиги билан алоҳида истъоддини намоён қилиб таълим олаётган, истиқлол ғояларини амалга ошириш йўлида астойдил меҳнат қилаётган 25 ёшгача бўлган иқтидорли қизларга адабиёт, маданият, санъат, фан, таълим соҳаларидаги ҳамда жамоатчилик фаолиятидаги алоҳида ютуқлари учун берилди.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг вакилларига биттадан жами 14 та берилди.

ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ ТЎҒРИСИДА
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Ахборотномаси, 1995 йил, 12-сон.)

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари меҳнат ва жанговар хизматлари, самарали давлат, ижтимоий ва ижодий фаолиятлари учун давлат мукофотлари билан тақдирланишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси учун хизмат кўрсатган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари билан тақдирланишлари мумкин.

2-модда. «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони, Ўзбекистон Республикасининг орденлари, медаллари, фахрий унвонлари ва Фахрий ёрлиғи давлат мукофотлари ҳисобланади.

3-модда. Давлат мукофотлари Олий Мажлис томонидан таъсис этилади.

Давлат мукофотларига доир низомлар ва уларнинг тавсифлари Олий Мажлис томонидан тасдиқланади.

4-модда. Давлат мукофотлари билан Ўзбекистон Республикасининг Президенти тақдирлайди.

Ўзбекистон Республикасининг Президентини давлат мукофотлари билан тақдирлаш Олий Мажлис томонидан амалга оширилади.

5-модда. Давлат мукофотлари гувоҳномаларининг намуналари, давлат мукофотларига тақдим этиш ва уларни топшириш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан тасдиқланади.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг Президентига давлат мукофотлари билан тақдирлашга доир тақдимнома Олий Мажлис Раиси, Вазирлар Маҳкамаси, Конституциявий суд Раиси, Олий суд Раиси, Олий хўжалик суди Раиси, Бош прокурор, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, вазирликлар,

идоралар ва жамоат бирлашмалари республика органларининг раҳбарлари томонидан киритилади. Чет эл фуқароларини тақдирлашга доир тақдимнома Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан келишилган ҳолда киритилади.

7-модда. Бир шахс айти бир орден, медаль ёки фахрий ёрлик билан, қоида тариқасида, бир марта тақдирланади. Фахрий унвонлар такроран берилмайди. Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари билан тақдирлаш шахсининг вафотидан кейин ҳам амалга оширилиши мумкин.

8-модда. Фуқаролар навбатдаги мукофотга аввал мукофот билан тақдирланган вақтидан кейин камида уч йил ўтгач тақдим этиладилар. Фавқулудда ҳолларда фуқаролар навбатдаги мукофотга аввал тақдирланган вақтидан қатъи назар тақдим этилишлари мумкин.

9-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат мукофотлари билан тақдирлаш тўғрисидаги фармонлари оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

10-модда. «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони олий даражадаги мукофот бўлиб, фақат бир марта берилади.

«Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони билан тақдирланган шахсларга «Олтин Юлдуз» медали ва унвон берилганлиги тўғрисидаги ҳужжат топширилади.

11-модда. Ўзбекистон Республикасининг орденлари қуйидагилардан иборат* :

- «**Мустақиллик**» ордени;
- «**Амир Тему**р» ордени;
- «**Жалолиддин Мангуберди**» ордени*
- «**Буюк хизматлари учун**» ордени;
- «**Эл-юрт хурмати**» ордени;
- I даражали ва II даражали «**Соғлом авлод учун**» ордени;

* Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 август, 1997 йил 25 апрель ва 1998 йил 28 август Қонунлари таҳририда-Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1996 йил, 9-сон, 120-модда; 1997 йил 4-5 сон, 126-модда; “Халқ сўзи”, 1998 йил, 29 август.

* Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 30 август Қонуни билан киритилган.-“Халқ сўзи”, 2000 йил, 14 сентябрь.

- «Мехнат Шухрати» ордени;
- «Дўстлик» ордени;
- I ва II даражали «Шон-шараф» ордени.

12-модда. Ўзбекистон Республикасининг медаллари куйидагилардан иборат:

- «Олтин Юлдуз» медали;
- «Жасорат» медали;
- «Шухрат» медали.

13-модда. Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонлари берилган шахсларга белгиланган намунадаги кўкрак нишони ва унвон берилганлиги тўғрисидаги ҳужжат топширилади.

14-модда. Орденлар, медаллар ва бошқа мукофотларнинг нишонларини тақиб юриш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

15-модда. Давлат мукофотлари билан фуқаролар билан бир қаторда айрим ҳолларда қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, ижодий жамоалар ва ҳарбий бўлинмалар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси маъмурий-худудий бирликлари ҳам мукофотланиши мумкин^{**}.

16-модда. Давлат мукофотлари билан тақдирланган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ имтиёزلардан фойдаланадилар ҳамда бир марта бериладиган пул мукофоти ёки шу қийматдаги эсдалик совғасини оладилар^{***}.

17-модда. Давлат мукофотлари билан тақдирланган шахслар мукофотлар сақланишини таъминлашлари лозим.

Давлат мукофотлари, шунингдек уларга доир ҳужжатлар йўқолган тақдирда, тақдирланганлар мукофотларга нисбатан ўз ҳуқуқларини сақлаб қоладилар.

Давлат мукофотлари танг аҳволга тушиши натижасида йўқотилган тақдирда истисно тариқасида орденлар, медаллар ва кўкрак нишонларининг аслига тенг нусхалари берилиши мумкин.

^{**} Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 август Қонуни таҳририда-Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 9-сон, 120-модда.

^{***} Ўша ерда

Мукофот билан тақдирланганлик тўғрисидаги ҳужжатлар, шунингдек Фахрий ёрлик йўқолган тақдирда уларнинг аслига тенг нусхалари белгиланган тартибда берилади.

18-модда. Давлат мукофотларидан:

шахс оғир жиноят содир этгани учун ҳукм қилинганда - суднинг қонун ҳужжатларида белгиланган асослар ва тартиб-даги тақдимномасига биноан;

шахс ўз шаънини бадном этувчи хатти-ҳаракатлар содир этганида - тақдирлаш тўғрисида тақдимнома киритиш ҳуқуқига эга бўлган органнинг тақдимномасига биноан маҳрум этилади.

Давлат мукофотларидан маҳрум бўлганлик, белгиланган имтиёзлардан ҳам маҳрум қилинишига сабаб бўлади.

Давлат мукофотларидан маҳрум этилган шахсга қарашли давлат мукофоти ва мукофотга доир ҳужжат қайтарилиши лозим.

19-модда. Ноқонуний ҳукм қилинган ва тўла оқланган фуқароларнинг давлат мукофотларига нисбатан ҳуқуқлари тегишли органларнинг илтимосномасига биноан Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан тикланиши мумкин.

20-модда. Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетаётган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўзларига қарашли бўлган давлат мукофотлари ва уларга доир ҳужжатларни ўзлари билан олиб кетиш ҳуқуқига эгадирлар.

Таркибида қимматбаҳо металллар бўлган давлат мукофотларни олиб чиқиб кетиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгилаб берилади.

21-модда. Орден, медаль, фахрий унвонга доир кўкрак нишонини ноқонуний равишда тақиб юриш, сотиб олиш, сотиш, алмашиш ёки ўзга тарзда ҳақ эвазига бировга бериш қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

22-модда. Ташқи кўриниши давлат мукофотларига ўхшаш бўлган кўкрак нишонларини таъсис этиш ва тайёрлаш тақиқланади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И.Каримов

Тошкент шаҳри, 1995 йил 22 декабрь
№ 176-1

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонларини таъсис этиш тўғрисида

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1996, № 5-6-сон)

Фукароларни меҳнатдаги хизматлари, самарали давлат, ижтимоий ва ижодий фаолиятлари учун рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги фахрий унвонлари таъсис этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби»,
«Ўзбекистон Республикаси фан арбоби»,
«Ўзбекистон ифтихори»^{*},
«Ўзбекистон Республикаси халқ артисти»,
«Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси»^{**},
«Ўзбекистон Республикаси халқ ёзувчиси»,
«Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми»,
«Ўзбекистон Республикаси халқ устаси»^{***},
«Ўзбекистон Республикаси халқ шоири»,
«Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси»,
«Ўзбекистон Республикаси халқ ҳофизи»,
«Ўзбекистон Республикасида коммунал, маиший ва савдо соҳасида хизмат кўрсатган ходим»,
«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган алоқа ходими»,
«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист»,

^{*} Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 28 август Қонуни билан киритилган-“Халқ сўзи”, 1998 йил, 29 август.

^{**} Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 май Қонуни билан киритилган-Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, 5-6 сон, .

^{***} Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 май Қонуни билан киритилган- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6 сон,

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»,
«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист»,
«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор»,
«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор»,
«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган иқтисодчи»,
«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими»,
«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган меъмор»,
«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор»,
«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пиллачи»,
«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими»,
«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими»,
«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози»,
«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи»,
«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими»,
«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фуқаро авиацияси ходими»*,
«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими»,
«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган чорвадор»,
«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист»,
«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими»,
«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи»,
2. Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонлари тўғрисидаги Низом тасдиқлансин (илова қилинади).

* Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрь Қонуни билан киритилган-Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 2 сон,

3. Ўзбекистон Республикаси фахрий унвонларининг кўкрак нишонлари тавсифи тасдиқлансин (илова қилинади).

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И.Каримов

Тошкент шаҳри, 1996 йил 26 апрель
№ 226-1

«Ўзбекистон Республикасининг
фахрий унвонларини таъсис этиш
тўғрисидаги 1996 йил 26 апрелда
қабул қилинган Ўзбекистон
Республикаси Қонуни билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонлари
тўғрисидаги**

Н И З О М

Ўзбекистон Республикасининг:

«Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби» фахрий унвони юксак бадиий асарлар яратган, республикада адабиёт ва санъатни ривожлантиришда ижодий кадрларни тайёрлаш ва тарбиялашда хизмат кўрсатган режиссёрларга, бастакорларга, дирижёрларга, балетмейстерларга, мусиқа, хор, ракс ва бошқа бадиий жамоаларнинг раҳбарларига, маданият ва санъат ўқув юртларининг муаллимларига, ранг тасвир, наққошлик, ўймакорлик, гиламдўзлик ва халқ ижодиётининг бошқа турларида юксак асарлар яратган халқ усталарига берилади;

«Ўзбекистон Республикаси фан арбоби» фахрий унвони олимларга фан ва техника соҳасидаги ғоят қимматли асарлари, кашфиёт ва ихтиролари учун, фан ва техникани ривожлантиришдаги, унинг ютуқларини тарғиб ва жорий этишдаги, республика халқ хўжалиги учун илмий кадрлар ва юқори малакали мутахассислар тайёрлашдаги хизматлари учун берилади.

«Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони жаҳон чемпионатларида, Олимпиада ўйинларида ва шуларга тенг жаҳон спорт анжуманларида ғолиблик - чемпионлик унвонига эришган ҳамда ўз ютуқлари билан Ватан обрўсини шони ва

шуҳратини улуғлашга кўмаклашган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига берилади* ;

«Ўзбекистон Республикаси халқ артисти» фахрий унвони атоқли санъат арбобларига театр мусиқа, кино, эстрада, цирк, телевидение ва радио эшиттиришни ривожлантиришдаги, республикада ижодий кадрларни тайёрлаш ва тарбиялашдаги алоҳида хизматлари учун берилади;

«Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси» фахрий унвони бахшичилик санъатини янада ривожлантиришдаги, миллий қадриятларимизни эъзозлаш ва ўзбек халқ оғзаки ижодиётини кенг тарғиб этишдаги, ўз ижоди ва ижрочилик фаолияти билан халқимизни айниқса ёшларни кўп минг йиллик маданиятимиз сарчашмаларидан баҳраманд қилишдаги ҳамда Ватан истиклоли ва шон-шарафини улуғлаш йўлидаги салмоқли ҳиссалари учун Ўзбекистон Республикаси фуқароларига берилади** ;

«Ўзбекистон Республикаси халқ ёзувчиси» фахрий унвони адабиётни ривожлантиришда алоҳида хизмат кўрсатган, халқ томонидан кенг эътироф этилган юксак бадиий асарлар яратган ёзувчиларга, драматурларга, танқидчилар ва адабиётшунос олимларга берилади;

«Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми» фахрий унвони атоқли тасвирий санъат арбобларига ранг тасвир, графика, ҳайкалтарошлик амалий-декоратив, театр ва кино санъатини ривожлантиришдаги алоҳида хизматлари учун берилади;

«Ўзбекистон Республикаси халқ устаси» фахрий унвони халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатни ривожлантиришда алоҳида хизмат кўрсатган халқ усталарига уларнинг миллий маданиятни янада ривожлантириш ва

* Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 28 август Қонуни билан киритилган-“Халқ сўзи”, 1998 йил, 29 август.

** Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 май Қонуни билан киритилди-Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, 5-6 сон,

истеъдодли ёшларни тайёрлашга кўшган хиссалари учун берилади»^{*};

«Ўзбекистон Республикаси халқ шоири» фахрий унвони адабиётни ривожлантиришда алоҳида хизмат кўрсатган, республикада ва унинг сарҳадларидан ташқарида машҳур бўлган юксак шеърӣ асарлар яратган шоирларга берилади;

«Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси» фахрий унвони болалар ва ёшларга таълим ҳамда тарбия беришда халқ таълимини ривожлантириш ишида алоҳида хизмат кўрсатган барча турдаги умумтаълим мактабларининг ўқитувчиларига, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, хунар-техника билим юртларининг муаллимларига, халқ таълими тизимидаги ўқув-тарбия услубият ва бошқа муассасаларининг ходимларига берилади;

«Ўзбекистон Республикаси халқ ҳофизӣ» фахрий унвони кўшиқчиларга юксак ижрочилик маҳорати, Ўзбекистон мумтоз мусиқа меросини ва мусиқӣ-шеърӣ санъатнинг анъанавий шаклларини ўзлаштирганлиги ва ривожлантирганлиги, фаол тарғиб қилганлиги учун берилади;

«Ўзбекистон Республикасида коммунал, маиший ва савдо соҳасида хизмат кўрсатган ходим» фахрий унвони уй-жой коммунал хўжалиги, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, бирлашма, ташкилот ва муассасаларининг аҳолига хизмат кўрсатиш ишини яхшилашда алоҳида хизмат кўрсатган ходимларига берилади;

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган алоқа ходими» фахрий унвони алоқа воситаларини ривожлантириш ва такомиллаштиришда, республика халқ хўжалигига ва аҳолисига алоқанинг барча турлари билан намунали хизмат кўрсатиш ишини ташкил этишда алоҳида хизмат кўрсатган алоқа ходимларига берилади;

^{*} Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 май Қонуни билан киритилди-Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6 сон, 114-модда.

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист» фахрий унвони республикада санъатни ривожлантиришда, республикада ижодий кадрларни тайёрлаш ва тарбиялашда хизмат кўрсатган театр, кино, эстрада, цирк, телевидение ва радио эшиттириш артистлари ва режиссёрларига, мусиқа ижрочилари ва ашулачиларга, балетмейстерларга, оркестр ва хор дирижёрларига, мусиқа ва бошқа бадиий жамоаларнинг раҳбарларига берилади;

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвони ёшларга касб маҳоратини ўргатишда, меҳнатга ҳалол ва виждонан муносабатни, юксак ватанпарварлик ва ахлоқий фазилатларни тарбиялашда алоҳида хизмат кўрсатган халқ хўжалиги ходимлари ва мутахассисларига берилади;

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист» фахрий унвони газета ва журналлар таҳририятларининг, телевидение ва радио эшиттириш, ахборот агентликларининг матбуотни ривожлантиришда катта хизмат, ижодда ва ташкилотчилик фаолиятида алоҳида ўрнатилган хизмат кўрсатган журналистларига, нашриётлар, бошқа ташкилотларнинг ходимларига берилади;

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор» фахрий унвони сув хўжалиги, қурилиш лойиҳаси, илмий-тадқиқот ва бошқа ташкилотларнинг сув хўжалиги объектларини қуриш ҳамда улардан фойдаланиш билан шуғулланадиган ва сув хўжалигини ҳамда суғориладиган деҳқончиликни ривожлантиришда, шунингдек республика табиатини муҳофаза этишда алоҳида хизмат кўрсатган ходимларига берилади;

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор» фахрий унвони халқ хўжалигига жорий этилган ва катта иқтисодий самара берган ихтиролар ва рационализаторлик таклифларининг муаллифларига, шунингдек ихтирочилик ва рационализаторликни ривожлантиришда, ихтиролар ва рационализаторлик таклифларини ишлаб чиқаришга жорий этишда хизмат кўрсатган шахсларга берилади;

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган иқтисодчи» фахрий унвони халқ хўжалиги барча тармоқларининг иқтисодиётни юксалтиришда алоҳида хизмат кўрсатган юқори малакали иқтисодчиларига ва бухгалтерия ҳисоби ходимларига берилади;

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони маданий-маърифий муассасалар, телевидение, радио, матбуот, нашриётлар, тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш ходимларига, шунингдек маданиятни ривожлантиришда алоҳида хизмат кўрсатган шахсларга берилади;

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган меъмор» фахрий унвони миллий меъморчиликни, шаҳарсозликни ривожлантиришда, замонавий фуқаролик, саноат ва қишлоқ меъморчилик мажмуалари, бинолари ва иншоотлари яратишда, шунингдек республикада меъморчилик ёдгорликларини таъмирлаш соҳасида хизмат кўрсатган юқори малакали меъморларга берилади;

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор» фахрий унвони жамоа, акциядорлик, деҳқон, ижара, шахсий ва бошқа турдаги хўжаликларнинг, корхоналарнинг, ўқув юртлари, илмий-тадқиқот ва тажриба муассасаларининг пахтачиликни ривожлантиришда алоҳида хизмат кўрсатган ходимларига, шунингдек бошқа шахсларга берилади;

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пиллачи» фахрий унвони жамоа, акциядорлик, деҳқон, ижара, шахсий ва бошқа турдаги хўжаликларнинг, корхоналарнинг ўқув юртлари, илмий-тадқиқот ва тажриба муассасаларининг пиллачиликни ривожлантиришда алоҳида хизмат кўрсатган ходимларига, шунингдек бошқа шахсларга берилади;

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими» фахрий унвони саноат бирлашмалари ва корхоналарининг, илмий-тадқиқот ва лойиҳа конструкторлик муассасаларининг республика саноатини ривожлантиришда алоҳида хизмат кўрсатган ходимларига берилади;

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими» фахрий унвони илмий-тадқиқот, даволаш-профилактика, санитария-эпидемиология ва фармацевтика муассасаларининг соғлиқни сақлашни ривожлантиришда ва тиббий хизматни ташкил этиш ҳамда республика аҳолиси соғлиғини муҳофаза қилишда алоҳида хизмат кўрсатган ходимларига, шу жумладан ўрта ва кичик табақа тиббий ходимларига берилади;

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози» фахрий унвони Олимпиада ва Осиё ўйинларининг, жаҳон, Осиё чемпионатларининг, биринчиликларининг, А гуруҳидаги бошқа халқаро мусобақаларнинг, Олимпиада олди ўйинлари ёки ногиронлар умумжаҳон чемпионатларининг чемпионлари ва совриндорларини тайёрлаган, шунингдек жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда алоҳида хизмат кўрсатган спорт устозларига берилади;

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи» фахрий унвони жаҳон чемпионлари ҳамда рекордчиларига, Олимпиада ва Осиё ўйинлари совриндорларига, шунингдек спорт мусобақаларида юксак натижаларга эришган бошқа спортчиларга берилади;

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими» фахрий унвони автомобиль, темир йўл, ҳаво, дарё, шаҳар транспорти, йўллар қурилиши ва улардан фойдаланиш, ўқув юртлари, илмий-тадқиқот муассасалари, лойиҳа ташкилотларининг, шунингдек бошқа транспорт корхоналарининг республика транспортини ривожлантиришда, транспорт воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда, йўллар қуриш ва улардан фойдаланишда алоҳида хизмат кўрсатган ходимларига берилади;

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фуқаро авиацияси ходими» фахрий унвони ҳаво транспортини ривожлантиришда, замонавий авиация техникасини ўзлаштиришда, аҳолига ва республика халқ хўжалигига намунали хизмат кўрсатишни ташкил этишда алоҳида хизмат

кўрсатган фуқаро авиацияси ходимлари ва мутахассисларига берилади* ;

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» фахрий унвони барча турдаги умум-таълим мактабларининг, олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг, ҳунар-техника билим юртларининг, мактабгача тарбия болалар муассасалари ва мактабдан ташқари муассасаларнинг, ўқитувчилар малакасини ошириш билан шуғулланувчи услубият кабинетлари, курслар ва институтларнинг республика халқ таълимини ривожлантиришда алоҳида хизмат кўрсатган ходимларига, шунингдек халқ таълими бошқа муассасаларининг ана шундай ходимларига берилади;

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган чорвадор» фахрий унвони жамоа, акциядорлик, деҳқон, ижара, шахсий ва бошқа турдаги хўжаликларнинг, шунингдек ўқув юртлари, илмий-тадқиқот ва зооветеринария муассасаларининг, лойиҳа ташкилотларининг чорвачиликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшган ходимларига берилади;

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист» фахрий унвони қонунчиликни ривожлантиришда, қонунийлик ва ҳуқуқ-тарғиботни мустаҳкамлашда, халқ хўжалигида ҳуқуқий ишни яхшилашда, ҳуқуқ фанларини ривожлантириш ва юридик кадрларни тайёрлашда алоҳида хизмат кўрсатган юқори малакали юристларга берилади;

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими» фахрий унвони қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши соҳасининг, қишлоқ хўжалик илмий-тадқиқот муассасалари ва ўқув юртларининг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда алоҳида хизмат кўрсатган ходимларига берилади;

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи» фахрий унвони қурилиш, монтаж ва лойиҳа ташкилотларининг,

* Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрь Қонуни билан киритилган- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 2 сон, 64-модда.

илмий-тадқиқот ва бошқа муассасаларнинг республикада қурилишни ва қурилиш индустриясини ривожлантиришда алоҳида хизмат кўрсатган ходимларига берилади.

**«Миллий Давлат мукофотларини биласизми?» мавзусида
билимдонлар беллашувини ташкил қилишга тавсиялар**

Беллашувнинг мақсади Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотларининг таъсис этилиши, Қонуни, Фармойиши, Қарори, тавсифи, орден, медал, унвонлар, нишонлар, Қонун ҳужжатлари, улар ҳақида нашр этилган манбалар, бу мукофотларнинг берилиши ва кимларга берилганлари, орден ва медал, унвонларга бағишлаб ёзилган асарларни ўрганиш ҳамда кенг китобхонлар оммасига тарғиб этишдан иборат.

Беллашув ўтказишдан олдин фаол китобхонлардан ҳар бири 8-10 кишидан иборат бўлган 2 та билимдонлар гуруҳи тузилади. Уларга мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари, олий ўқув юртлари бакалавр ва магистрлари, турли соҳа эгалари бўлган китобхонлар киритилиши мумкин.

Беллашув ташкилотчилари саволларни тузиб икки гуруҳга мўлжаллаб кўяди. Бериладиган саволларга доир адабиётлар тайёр туриши керак. Беллашувга тайёрланиш жараёнида қатнашувчилар ўша манбаларни пухта ўқиб чиқишлари зарур.

Билимдонларнинг эътиборини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Давлат мукофотларининг Қонунлари, Қонун ҳужжатлари, унвон соҳибларининг яратган асарларига, Давлат мукофотлари ҳақида ёзилган илмий мақолаларга ҳамда мукофотланган кишиларнинг меҳнат фаолиятини акс эттирилган манбалар, шунингдек, Давлат мукофотларини бериш тўғрисидаги Қонун ҳужжатларига қаратиш керак. Беллашув ўтказиладиган кутубхона, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида Ўзбекистон Республикасининг Давлат мукофотларини ҳамда мукофот соҳибу-соҳибаларининг ҳаёт ва фаолиятини акс эттирувчи китоб кўргазмасини ташкил этишни тавсия қиламиз.

Куйида беллашувга қўйиладиган саволлардан намуналар келтирамиз. Шунга қараб билимдонлар қайси рисола, ҳужжатлардан ва манбалардан фойдаланишлари кераклигини билиб оладилар.

1. Давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш бўйича қайси ташкилот томонидан Фармон ва Қарор чиқарилади?

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддаси 22 банди бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан Фармон ва Қарори асосида таъсис этилади).

2. Давлат мукофотлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қачон таъсис этилди?

(«Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 1995 йил 22 декабрда таъсис этилди).

3. «Давлат мукофотлари тўғриси»даги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни неча моддадан иборат?

(«Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 22 моддадан иборат).

4. Ўзбекистон Республикасининг орденларини айтиб беринг?

(«Давлат мукофотлари тўғриси»даги Ўзбекистон Республикасининг Қонунининг II-моддасига биноан куйидагилардан

-«Мустақиллик» ордени;

- «Амир Темур» ордени;

- «Жалолиддин Мангуберди» ордени;

- «Буюк хизматлари учун» ордени;

-«Эл-юрт хизматлари учун» ордени;

- I даражали ва II даражали «Соғлом авлод учун» ордени;

- «Меҳнат Шухрати» ордени;

- «Дўстлик» ордени;

- I ва II даражали «Шон-шараф» ордени;

- «Фидокорона хизматлари учун» каби орденлардан иборат* .

5. Ўзбекистон Республикасининг медаллари қайсилар?

* Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 1996 й. 29 август таҳририда-Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси.-2003.- №9-10.-Б.88.

(Ўзбекистон Республикасининг медаллари қуйидагилардан иборат:

- «Олтин Юлдуз» медали;
- «Жасорат» медали;
- «Шухрат» медали;
- «Содиқ хизматлари учун»* медали).

6. «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони кимларга берилади?

(«Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони олий даражадаги мукофот бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг фуқароларига давлат ва халқ олдидаги қаҳрамонона жасорат кўрсатиш билан боғлиқ хизматлари учун берилади).

7. Қайси шоир ва ёзувчилар «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони билан мукофотланган?

(Ўзбекистон халқ шоири, жамоат арбоби Абдулла Орипов, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Иброҳим Юсуповлар «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони билан мукофотланган).

8. «Мустақиллик» ордени қачон таъсис қилинган?

(«Мустақиллик» ордени Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан 1994 йил 5 майда таъсис этилган).

9. «Мустақиллик» ордени билан биринчи марта ким мукофотланган?

(«Мустақиллик» ордени билан Ўзбекистон халқ ёзувчиси марҳум Абдулла Қодирий (Жулқунбой) (1994 й.) мукофотланган)

10. Ушбу келтирилган маълумот Президентимиз Ислон Каримовнинг қайси асарида берилган?

«Мустақиллик» ордени билан мустақил ҳуқуқий давлат барпо этиш ва унинг моддий-маънавий ҳаётини мустаҳкамлашга, республикада тинчлик ва тараққиётни таъминлашга улкан ҳисса қўшган инсонлар мукофотланади.

* Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 2007 йил 6 июль // Халқ сўзи.-2007.- 7 июль.

Бу юксак мукофотга биринчи бўлиб, буюк адиб ва улуғ инсон Абдулла Қодирий сазовор бўлди. Ўзбек халқининг маънавий ва маърифатини, миллий қадриятлари ва онгини юксалтириш йўлида у зотнинг қилган хизмати беқиёсдир.

(И.А.Каримовнинг «Ватан саждагоҳ каби мукаддасдир: маърузалар, нутқлар, суҳбатлар» асаридан (1995) олинган).

11. «Амир Тему́р» ордени қачон таъсис этилган?

(«Амир Тему́р» ордени Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан 1996 йил 26 апрелда таъсис этилган).

12. «Амир Тему́р» ордени билан кимлар мукофотландилар?

(«Амир Тему́р» ордени тўғрисидаги Низомга биноан «Амир Тему́р» ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлатчилиқни мустаҳкамлашдаги улкан хизматлари, меъморчилиқни, илм-фан, адабиёт ва санъатни, шу жумладан ҳарбий маҳоратни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссалари учун мукофотландилар. «Амир Тему́р» ордени билан давлатлараро ҳамкорлиқни, тинчлиқни ҳамда халқлар ўртасида дўстлиқни мустаҳкамлаш ишига алоҳида ҳисса қўшганлик учун ҳам тақдирландилар.

«Амир Тему́р» ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши мумкин).

13. «Амир Тему́р» ордени билан кимлар ва қайси шаҳарлар мукофотланган?

(«Амир Тему́р» ордени билан Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарлари (1996 йил 28 августда), Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислоҳ Абдуғаниевич Каримов (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 26 декабрдаги Қарори билан), Андижон вилояти (2003 йил 22 августда), шахмат бўйича жаҳон биринчилигининг ғолиби Рустам Қосимжонов (2004 йил 14 июнда) мукофотланган).

14. «Жалолиддин Мангуберди» ордени қачон таъсис этилган ва бу орден билан кимлар мукофотландилар?

(«Жалолиддин Мангуберди» ордени Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан 2000 йил 30 августда таъсис этилган).

Бу орден билан «Жалолиддин Мангуберди» ордени тўғрисидаги Низомга биноан «Жалолиддин Мангуберди» ордени билан мамлакат мустақиллигини, Ватан сарҳадларини, она-юрт тупроғини ҳимоя қилишда ҳамда уни кўз қорачиғидай асрашда юксак ҳарбий маҳорат, қахрамонлик ва жасорат намуналарини кўрсатган, давлатимизнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшган қўмондонлик таркибига кирувчи ҳарбий хизматчилар мукофотланадилар).

15. «Жалолиддин Мангуберди» ордени билан қайси вилоят ва кимлар мукофотланган?

(Бу орден билан Хоразм вилояти (2003 йил 22 августда), Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг 1-ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари бирлашган штабининг бошлиғи Исмоил Эргашев, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг ўринбосари, Жанубий-Ғарбий махсус ҳарбий округ қўшинлари қўмондони Алишер Жумамуротович Собиров, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими Муйиджон Ваҳҳобович Тоҳирий мукофотланган).

16. 1994 йилда Алишер Навоий номидаги Давлат мукофоти билан қайси шоир ва ёзувчилар, қайси номдаги асари учун мукофотланганлар?

(Адабиёт соҳасида 1994 йилда бу мукофот Абдулла Ориповга «Муножот» сайланма шеърий китоби учун, Шукруллога «Кафансиз кўмилганлар» хотира романи учун, Барот Бойқобуловга «Навоийнома» чоркитоби учун берилган).

17. Ўзбекистон Республикасида Фавқулодда ва мухтор элчиларидан қайси бирлари 2000 йилда «Дўстлик» ордени билан мукофотланган?

(2000 йилда Ўзбекистон Республикасида Фавқулодда ва мухтор элчилардан бир гуруҳи, Германия Федератив Республикасининг Райнхард Биндзайл, Корея Республикасининг Че Ёнг Хани, Франциянинг Жан-Клод Ришар, Япониянинг Накаяма Кёко, Италиянинг Брунетти Гёти Иоландо, Америка Қўшма Штатларининг Жозеф Пресел, Хитой Халқ Республикасининг Ли Цзян Сян, Буюк Британия ва Шимолий

Ирландия Бирлашган Қироллигининг Ингэм Кристофер, Миср Араб Республикасининг Шавқий Мамдуҳ, Исроил Давлатининг Гал Гедлер Нолх, Туркия Республикасининг Апайдин Умур каби Ўзбекистон Республикасида Фавқулодда ва мухтор элчилари «Дўстлик» ордени билан мукофотланганлар).

18. Таниқли олим ва жамоат арбоби Федерико Майор «Дўстлик» ордени билан нима сабабга кўра мукофотланган?

(«ЮНЕСКО билан Ўзбекистон ўртасида маданий ҳамкорликни мустаҳкамлаш соҳасидаги ғоят катта хизматлари, Марказий Осиё халқларининг ниҳоятда бой маънавий меросини тиклаш ва оммалаштиришга, «Ипак йўли – Мулоқот йўли» халқаро дастурини амалга оширишга кўшган улкан ҳиссаси учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Таълим, фан ва маданият масалалари» бўйича ташкилоти Бош директори, таниқли олим ва жамоат арбоби Федерико Майор «Дўстлик» ордени билан 1996 йил 10 октябрда мукофотланган).

19. Франциялик олим қайси ишлари учун «Шухрат» медали билан мукофотланган?

(Амир Темур ҳаёти ва фаолиятини, темурий даврининг ғоят бой маънавий кадриятларини кўп йил самарали илмий тадқиқот этганлиги, шунингдек Франция билан Ўзбекистон халқлари маданиятларини бир-бирига яқинлаштириш ва уларнинг ҳамжиҳатлиги ишига шахсан ҳисса кўшганлиги учун Франциялик таниқли олим, профессор Люсьен Керэн 1996 йил 10 октябрда «Шухрат» медали билан мукофотланган).

20. Ҳиндистон фуқаросига қайси Давлат мукофоти берилган?

(Ҳиндистон фуқароси ёзувчи ва шоир Манзар Салимга Алишер Навоий номидаги давлат мукофоти берилган).

21. Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофоти кимларга берилганлигини биласизми?

(Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотлари қуйидаги шахсларга берилган: адабиёт соҳасида Тоғай Мурод (Тоғай Менгноров)га «Отамдан қолган далалар» романи учун, ҳайкалтарошлик соҳасида Илҳом Жабборов ва Комил Жабборовга Тошкент шаҳрида ўрнатилган Амир Темур ҳайкали

учун, тасвирий санъат соҳасида Лутфулла Абдуллаевга «Замондошларим» мавзусидаги рангтасвир асарлари ҳамда атокли ўзбек адиблари китобларига ишланган расмлар туркуми учун, А.Мирзаевга Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романига бағишланган суратлар альбоми ва сўнгги йилларда яратган энг яхши рангтасвир асарлари учун, Мустафо Бафоевга 1993-1996 йилларда яратган «Улуғбек буржи», «Нодира», «Мозийдан нур» телевизион балетлари мусиқаси ва истиқлолни тараннум этувчи кўшиқлар туркуми учун, Анвар Назаровга 1993-1996 йилларда яратган истиқлол руҳи билан йўғрилган кўшиқ ва мусиқалар туркуми учун берилган).

22. Камолиддин Бехзод номидаги Давлат мукофоти билан кимлар мукофотланганлигини айтиб беринг.

(1997 йил 27 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони бўйича Ўзбекистонда биринчи марта Т.Болтабоев, Х.Назаров, Ғ.Камолов, А.Илҳомов, Б.Раҳмонбердиев, Р.Матчоновлар Камолиддин Бехзод номидаги Давлат мукофотини олишга муяссар бўлдилар).

23. Зулфия номидаги Давлат мукофоти қачон таъсис этилган?

(Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни кўллаб-қувватлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 1999 йил 10 июнда чиқди).

24. Зулфия номидаги Давлат мукофоти кимларга берилади?

(Зулфия номидаги Давлат мукофоти тўғрисидаги Низомга биноан: Ўзбекистон Республикасининг Зулфия номидаги Давлат мукофоти мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртлирида аъло хулқи, ўқишдаги муваффақиятлари, ижтимоий фаоллиги билан алоҳида истеъдодини намоён қилиб таълим олаётган, истиқлол ғояларини амалга ошириш йўлида астойдил меҳнат қилаётган 25 ёшгача бўлган иқтидорли қизларга адабиёт, маданият, санъат, фан, таълим соҳаларидаги ҳамда жамоатчилик фаолиятидаги алоҳида ютуқлари учун берилади).

Зулфия номидаги Давлат мукофоти Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг битта вакилларига жами 14 та берилади).

25. 2007 йилда қандай номдаги медаль таъсис этилди?

(2007 йил 6 июлда «Содик хизматлари учун» медалини таъсис этиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди).

26. 2004 йилда Ўзбекистон илм-фан ва маданиятни ривожига улкан ҳисса қўшган марҳум фан, адабиёт ва санъат арбобларидан кимлар «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланган?

(2004 йилда «Буюк хизматлари учун» ордени билан марҳум Ўзбекистон халқ артисти Х.Болтаев, М.Мирзаев, Ҳамид Олимжон (шоир), Н.Раҳимов, О.Шомуротова, С.Эшонтўраева, В.И.Романовскийлар мукофотланган).

27. 2002 йилда қайси Республиканинг Президентига «Буюк хизматлари учун» ордени берилган?

(2002 йилда Литва Республикасининг Президенти Валдас Адамкусга «Буюк хизматлари учун» ордени берилган).

28. «Ўзбекистон Қаҳрамон»ларининг қайси бирларининг ҳаёти, фаолияти, умр саҳифалари акс этирилган ҳужжатли фильмлар яратилган?

(Маълумотларга кўра қуйидаги «Ўзбекистон Қаҳрамон»ларга бағишлаб ҳужжатли фильмлар тайёрланган. Жумладан: «Ўзбектелефильм» студиясининг «Ҳақиқатга садоқат» асари ҳақида адабиётшунос олим, педагог, ношир, адиб Озод Шарфиддиновнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги суратга олинган ҳужжатли фильм, «Мен шоирман» шоир Абдулла Ориповнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида фильм, «Инсонни енгиб бўлмади» номли Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад ҳақида ҳужжатли фильмлар яратилган).

Беллашув якуини ҳакамлар маълум балл қўйиш билан якунлайдилар. Бунда жавобларнинг тўғрилиги, батафсиллиги ҳам эътиборга олинади. Ҳакамлар ҳайъатига адабиёт ўқитувчилари, адабиётшунослар, тарихчилар, қонуншунослар, шоирлар ва ёзувчилар, санъаткорлар, мусаввирлар,

журналистлар, муассаса ташкилотлари ходимлари, юристлар, сиёсатшунослар, турли касб эгаларининг кўзга кўринган вакиллари, орден ва медаллар совриндорлари, Давлат мукофотини олган шахслар, Фахрий унвонларни олган инсонлар ҳам тақлиф этилади. Ғолибларни совғалар билан тақдирлаш тавсия этилади. Совға тариқасида китоблар, гуллар ва эсдаликлар топшириш мумкин. Шунингдек ҳомийларнинг совғаларини ҳам тошириш мумкин.

«Зулфиянинг қизлари»

Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндор қизлари билан шеърхонлик беллашувини ташкил қилишга тавсиялар

Танловнинг мақсади ёш китобхонларни Зулфия қизларининг Ватан, истиқлол, баҳор, Ўзбекистон, бахт, она, севги-муҳаббат, тинчлик, эрк ва бошқа мавзуларда ёзилган шеърлар ҳамда ёш мукофот совриндорларнинг ижоди билан таништиришдан иборат.

Беллашув ўтказишдан олдин Зулфия совриндорларидан 5 та қиздан иборат гуруҳ тузилади. Уларга асосан мактаб, лицей, коллеж ўқувчиси, олий ўқув юрти бакалаврлари киритилиши мумкин.

Беллашув ташкилотчилари қатнашувчиларга бериладиган шартларни тузиб чиқади. Беллашувни кимдан бошлашни аниқлаб олиш мақсадида қизлар ўртасида қуръа ташлаш йўли билан аниқланади. Беллашув қатнашчилари айтмоқчи бўлган шеърларининг мавзуси имкон бўлса қачон ёзилганлигини билиши шарт.

Беллашув ўтказиладиган кутубхона, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказида Зулфия номидаги Давлат мукофоти ва Зулфия қизларининг ижодий фаолиятини акс эттирувчи китоб кўргазмасини ташкил этишни тавсия қиламиз.

Қуйида беллашувда айтиладиган шеърлардан намуналар келтирамиз.

1-рақамдаги қатнашувчи: Рухсора Тўлабоева 2000 йилда
Зулфия мукофоти совриндори «Президентнинг қизиман» шеъри.

Келажаги буюк, азиз Ватаним,
Адолат ўрнатди Юртбошим сенда.
Фарзандлари суюк, азиз Ватаним,
Юртимга содиқлик ҳамиша менда.
Эркин халқнинг айтар сўзиман,
Соф ниятли Президентнинг қизиман.

Ҳаётимиз ўтар осуда ва тинч,
Барча шароитлар муҳайё бизга.
Ҳамманинг юзида бир олам севинч,
Ишонч қўшилади ишончимизга.
Бахтиёр халқнинг кўрар кўзиман,
Адолатли Президентнинг қизиман.

Имконият берилди келганча кўлдан,
Бориб ўқиш учун чет элларга ҳам.
Оқил фарзандлар адашмас йўлдан,
Илм ўрганурлар чет тилларда ҳам
Порлоқ келажакнинг бир юлдузиман,
Одил, саҳий Президентнинг қизиман.

«Ҳеч кимга бермайман мен боламни,
Миллион болалар-болам ўзимнинг
Ақл билан гуллатар ушбу оламни
Оқу қорасидир кўрар кўзимнинг.
Доно шу сўзларга дилдан розиман,
Мен болажон Президентнинг қизиман.

2-рақамдаги қатнашувчиси: Камола Эрматова 2004 йилда
Зулфия мукофоти совриндори «Она шахрим гўзал Тошкент»
шеъри.

Она шахрим, жамолингга кўзим тўймайди,

Номинг тилга олсам мурғак дилим қувнагай.
Кундузингдан сахий қуёш нурун аямас,
Оқшомлари осмонингда ой шўх ўйнагай.

Қучоғингда кеча-кундуз ҳаёт аримас,
Боғларингда шодон қушлар сайрайди сармаст.
Кундан-кунга олам аро шонинг ортмоқда,
Фарзандларинг посбонингдир содиқ, забардаст.

Қиёсинг йўқ, о, Тошкентим, сўзга ожизман,
Она юртим Ўзбекистон юраги ўзинг.
Сен нафақат ўзбекларнинг ифтихорисан,
Бутун дунё туркийларни тиргаги ўзинг.

Бизлар учун табаррукдир ҳар қарич еринг,
Ҳар бир ўғил, қизинг учун беқиёс меҳринг.
Сени кўзлар қаросида суйиб асраймиз,
Меҳмонларни ром этмоқда жозиба, сеҳринг.

Чиройингга чирой қўшмоқ эзгу тилагим,
То тирикман, буюк номинг шонларга буркай,
Она шахрим, гўзал Тошкент – олтин бешигим,
Бор меҳримни жоним қўшиб, пойингга тўкай.

3-рақамдаги қатнашувчи: Юлдуз Ондаева 2004 йилда Зулфия мукофоти совриндори «Сен менинг юракда оққан қонимсан» шеъри.

Сен менинг юракда оққан қонимсан,
Жонимдек севганим танда-жонимсан,
Бошим силагувчи меҳрибонимсан,
Отамсан ҳам онам сен ўзинг, Ватан!

Ўзинг бирла бордир белимда дармон,
Сенинг меҳринг асло бўлмасин армон.

Шеъримдан йўлингга тизайин маржон,
Дармоним, маржоним сен ўзинг, Ватан!

Меҳринг таъмин тотдим сендан йироқда,
Қадринг баландлигин билдим фироқда,
Таърифинг сўйласам қалбим титроқда,
Остонанг тиллодан яралган, Ватан!

Тупроғинг қимматдир олтину зардан,
Қизғонаман сени ўзга назардан,
Асли бошланурсан кўча, гузардан,
Қиблам-Қаъбатуллому ўзингсан, Ватан!

4-рақамдаги қатнашувчи: Шоҳида Мирзаева 2004 йилда
Зулфия мукофоти совриндори «Ўзбекистоним бор менинг»
шеъри.

Жаннатмакон, бойликка кон боғу бўстоним бор менинг.
Дунё узра қадри баланд Ўзбекистоним бор менинг.
Чўлларда боғ яратган бободехқоним бор менинг.
Кураги ерга тегмас мард паҳлавоним бор менинг.
Буюк манзилни кўзлаган буюк карвоним бор менинг
Халқим учун фидоий жасур сарбоним бор менинг
Ғазал мулкига султон Мир Алишерим бор менинг
Жалолиддин Мангуберди, Бобурдек шерим бор менинг.
Жаннатмакон, бойликка кон боғу бўстоним бор менинг.
Дунё узра номи баланд Ўзбекистоним бор менинг.

5-рақамдаги қатнашувчи: Дилбар Сиддиқова 2006 йилда
Зулфия мукофоти совриндори «Гуноҳим шу» шеъри.

Меҳринг билиб меҳринга бир тўёлмадим,
Жондан суйиб қошинга ҳеч қўнолмадим,
Сен мажнуну мен бунда зеб бўлолмадим,
Гуноҳим шу севги менинг орим бўлди.
Пинжинг истаб хаёлингга топунаман,
Кулгучларинг хуморига ёпунаман,

Саробларнинг сочларига тек инаман,
Гуноҳим шу хаёл менинг борим бўлди.
Ёғар қорда эриб битди тоқатларим,
Ёмғирларда оқиб кетди тоқатларим,
Не кунларга ёқиб ўтди тоқатларим,
Гуноҳим шу бир қарашинг зорим бўлди.
Эзар мени ҳар қарашлар, ҳар сўрашлар,
Бошгинамда аёвсиз жанг, не талашлар
Тикан бўлиб ботмоқдаки эҳ, силашлар,
Гуноҳим шу орзуларим ёрим бўлди.
Дийдирайман иситолмас нетай куёш,
Юракларнинг мужгонини эгмоқда ёш,
Яна қанча, яна қанча берайин дош.
Гуноҳим шу севги менинг дорим бўлди.

Беллашув 3 босқичдан иборат бўлиб, ҳар бир босқичда баҳоланиб борилади.

Беллашув якунини ҳакамлар маълум балл қўйиш билан якунлайдилар. Бунда шеърларнинг маъно ва мазмуни айтиувчининг ижрочилик маҳорати ҳам эътиборга олинади. Ҳакамлар ҳайъатига адабиёт ўқитувчилари, ёзувчи ва шоирлар, журналистлар, адабиётшунослар, санъаткорлар таклиф этилади. Ғолибларни совғалар билан тақдирлаш тавсия этилади. Совға тариқасида китоблар, гуллар ва эсдаликлар топшириш мумкин.

«Ватаннинг юксак мукофотлари» номли китоб-суратли кўрғазмани ташкил этиш учун материаллар

Таклиф этилаётган китоб кўрғазмаси кутубхона, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида ўтказиладиган тадбирларни тўлдиради.

Кўрғазма қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

1. Ватанимизнинг энг юксак унвони

Илм мулки харж айлади,
Юртга меҳрин бож айлади,

Эл қайғуси тож айлади,
Ўзбекистон Қаҳрамони
Сафо Очил

Бу бўлимда:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Ўзбекистон Қаҳрамони» тўғрисидаги Қонуни, унвон тўғрисидаги Низом, «Олтин Юлдуз» медалининг тавсифи ҳамда «Олтин Юлдуз» медали акс эттирилган расм, «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони бериш тўғрисидаги Фармонлар, унвон ҳақида ёзилган манбалар ва «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини олган адабиётшунос олим ва шоирлар, ёзувчиларнинг асарлари намойиш этилади.

2. Мустақил Давлатимнинг орден ва медаллари.

Истиклол йилларида давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда миллий давлат мукофотлари жорий этилиб, уларнинг ҳукуқий асослари яратилиши улкан тарихий воқеа бўлди.

О.Тўракулов

Бу бўлимда:

